
"Ҳуқуқий тарғибот куни"

Жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Данғара тумани адлия бўлими ва бўлим тизимидаги адлия органлари ходимлари томонидан "Ҳуқуқий тарғибот куни" лойиҳаси доирасида Боғиш МФЙда аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида сайёр қабул ҳамда хонадонбай тадбирлари ўтказилди.

Мазкур тарғибот тадбирлари давомида фуқароларга қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини манзилли етказиш билан бирга аҳолининг ижтимоий ҳимоясига доир, коммунал хизматлар, бандликни таъминлаш ва бошқа муаммоли масалаларига ҳуқуқий тушунтириш бериб ўтилди.

2024-07-31 18:01:01